

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ЮНУСОВ ИСКАНДАР ОРИФОВИЧ

**БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автороферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)

Юнусов Искандар Орифович

Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш
йўллари.....5

Юнусов Искандар Орифович

Пути развития и повышения эффективности рыбководческой отрасли.....25

Yunusov Iskandar Orifovich

Ways to develop and increase the efficiency of the fishing industry.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 51

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ЮНУСОВ ИСКАНДАР ОРИФОВИЧ

**БАЛИҚЧИЛИК ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Iqt410 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умурзаков Ўктам Пардаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Назарова Фотима Хакимовна,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Дусмуратов Раджапбой Давлетбаевич,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд ветеринария медицинаси институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Б.Ф.Султанов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, катта
илмий ходим

Н.С.Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тобора кўпайиб бораётган аҳоли эҳтиёжларига мос равишда сифатли ҳамда тўйимли истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бугун барча давлатлар учун долзарб масалалардан саналади. Бунда балиқчилик ўзига хос ўрин тутди. У алоҳида аҳамиятга эга соҳа ҳисобланади. Дунё мамлакатларида балиқчилик ва аквакультура ривожланиши натижасида 2017 йилда 174,0 млн. тонна балиқ етиштирилган. Бугунги кунда дунёда балиқ етиштириш ҳажми кескин ошиб, аҳоли жон бошига йилига ўртача 20,3 кг. дан тўғри келмоқда¹. Дунё бўйича балиқ маҳсулотларининг 86,1 фоизи Осиёда, 7,8 фоизи Европада, 4,4 фоизи Америкада, 1,3 фоизи Африкада етиштирилиб, балиқ экспорти ҳажмининг ярмидан ортикроғи ривожланаётган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келмоқда².

Глобал иқлим ўзгариши шароитида балиқчилик ва аквакультура, илмий ва амалий тажрибалар кўрсатаётганидек, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш орқали иқтисодиёт ўсишига сезиларли даражада улуш қўшади. ФАО маълумотида кўра, “... 2050 йилга бориб, дунё аҳолиси сони тахминан 9,5 миллиардга етиши”, шунингдек, “хавфсиз истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш танқислиги кузатилиши”³ мумкин. Шу боис, балиқ истеъмоли ошириш табиий, қолаверса, балиқ ва балиқ маҳсулотлари овқатланиш рационига киритилиши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва овқатланиш жараёнини яхшилашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда балиқ етиштиришнинг ташкилий-технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, балиқ чавоқларини такрор кўпайтириш ва озуқа базасини яхшилаш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш, балиқ маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу балиқчилик, шунингдек, унинг маҳсулотларини қайта ишлаш ривожланишига олиб келмоқда. Чунончи, мамлакатимизда балиқ етиштириш ҳажми 2000 йилда 9870 тоннани ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, 90984,3 тоннага етди ёки 2000 йилга нисбатан 9,2 баробарга кўпайди. Республикаимизда балиқ етиштиришнинг интенсив технологияларини кенг татбиқ этиш орқали тармоқни тубдан ислоҳ этиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш⁴ устувор вазифа қилиб белгиланган. Шу боис бугунги кунда балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг илмий-амалий жиҳатларини ўрганиш, таҳлил қилиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ FAO Sofia Report 2016 and Globefish Highligh October 2017; FAO Food Outlook June 2016, EUMOFA Monthly Highlights 4/2016.

² Шоҳимардонов Д. Дунё балиқчилиги. // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. – 2008, №5. – 17-бет.

³ Комилов Б.Г., Халилов И.И. “Дарё форелини етиштириш – Ўзбекистондаги фермерлар учун юкори даромадли агротижорий имконият” <http://sgp.uz/uz/news/1029>.

⁴ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. – Тошкент. 2017. – 130-бет.

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 1 майдаги “Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2939-сон, 2018 йил 6 ноябрдаги “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4005-сон Қарорлари ва ушбу фаолиятга мансуб бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Балиқчилик соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистонлик А.Р.Қурбонов, Р.Қурбонов, Б.Г.Камилов, У.Т.Мирзаев, Д.Холмирзаев, Д.Шоҳимардонов, Ф.Қ.Маматов, Б.Элмуродова, А.Мухторов⁵ ва хорижлик I. Okumus, A.B.Patel, A.Yakupitiyage, Д.Ц.Доржиев, Е.В.Левкина, О.Н.Пономарева, И.А.Чернявский, Г.Е.Серветник, И.П.Новоженкинлар⁶ каби иқтисодчи ва биолог олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, уларнинг ишларида юқорида қайд этилган муаммоларнинг назарий ва амалий жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаган. Шу боис, Республикамиз ҳудудлари шароитидан келиб чиққан ҳамда аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган талаби етарли қондирилмаётганлигини инобатга олган ҳолда балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ

⁵ Қурбонов А.Р. Истикболда балиқ турларини етиштириш. Рисола. – 2017. – 50 б.; Қурбонов Р. Вьетнам балиқчилиги. // “O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi”. – 2017, №4. 16-17-б.; Камилов Б.Г., Мирзаев У.Т., Мустафаева З.А. Садковая аквакультура-перспективная система разведения рыб в Узбекистане. Руководство для фермеров-рыбоводов. – Т., 2017. 61 с.; Холмирзаев Д. ва б. Балиқчилик асослари. Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. – Т.: Илм-Зиё, 2016. – 249 б.; Шоҳимардонов Д. Балиқчиликда янги йўналишлар. // O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi. – 2005, №8. – 25 б.; Маматов Ф.Қ. Балиқчилик соҳасини ривожлантириш истикболлари. “Аграр соҳани барқарор ривожлантиришда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси” мавзусидаги профессор-ўқитувчи ва олимларнинг I-илмий ва амалий конференцияси материаллари. ТДАУ. 2017. 30-31 май. 178-180-б.; Элмуродова Б. Балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўп босқичли жараёнларини моделлаштириш. // O‘zbekiston qishloq xo‘jaligi. – 2016, №8. – 42 б.; Шоҳимардонов Д., Мухторов А. ва б. Фермер хўжаликларида ноқиллоқ хўжалик (балиқчилик) фаолиятини ривожлантириш (амалий қўлланма). – Т.: ҚХИИТИ, 2014. – 60 б.

⁶ Okumus, I. 2005. The marine aquaculture and management in Turkey. Rize, Faculty of fisheries, Rize University, 13pp.; Patel, A.B., Yakupitiyage A. 2003. Mixed feeding schedules in semi-intensive pond culture of Nile tilapia, *Oreochromis niloticus* L.: is it necessary to have two diets of differing protein content. *Aquaculture Research*, 34: 1343-1352.; Доржиев Д.Ц. Управленческий учет затрат по стадиям биотрансформации биологических активов в прудовом рыбоводстве: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.12 / Д.Ц. Доржиев. – М.: 2011. – 25 с.; Левкина Е.В. Эффективность рыбной отрасли: теория, методология и практика / Е.В.Левкина, М.Е.Василенко // Интернет-журнал Науковедение. – 2013, №6. – стр. 1-22.; Пономарева О.Н. Пути повышения экономической эффективности воспроизводства рыбных запасов // Вестник КрасГАУ. Вып.15. – Красноярск, 2006. - стр. 35-37.; Чернявский И.А. Повышение экономической эффективности производства товарной рыбы. Дисс. Новосибирск. 2016. – 198 с.; Серветник Г.Е. Сельскохозяйственное рыбоводство: состояние, задачи ва научное обеспечение // Научные основы сельскохозяйственного рыбоводства: состояние и перспективы развития М.: 2010. – стр. 17-23.; Новоженкин И.П. Научные основы сельскохозяйственного рыбоводства: состояние и перспективные развития. – М., 2010. – стр. 9-16.

этилишини тақозо қилади. Мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига айнан шу жиҳат асос бўлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда давлат илмий-техника дастурлари бўйича бажарилаётган ПЗ-20170929275-рақамли “Мамлакатнинг озиқ-овқат таъминотини яхшилашда балиқчилик тармоғининг иқтисодий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда балиқчилик тармоғини ривожлантиришнинг объектив зарурияти, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва балиқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини тизимлаштириш;

балиқчиликни ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва Республикада жорий этиш имкониятлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

тармоқ самарадорлигининг ҳозирги ҳолатига баҳо бериш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;

балиқчилик хўжаликларини озуқа билан таъминлашнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш;

балиқ етиштириш учун талаб этиладиган моддий ва меҳнат ресурслари сарфи меъёрлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

тармоқ ривожига таъсир этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш асосида балиқ етиштиришнинг башорат ҳажмини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республикада фаолият кўрсатаётган балиқчилик хўжаликлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети Республикада балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида қиёсий таҳлил, монографик ўрганиш, статистик таҳлил ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интенсив усулда (қафасларда) 1 кг балиқ етиштириш учун талаб этиладиган асбоб-ускуналар қиймати, 1 м³ қафас майдонида етиштирилган балиқ миқдори, 1 м³ қафас майдонида балиқ етиштиришнинг харажатлар рентабеллиги, 1 м³ қафас майдонига тўғри келадиган меҳнат сарфи, 1 м³ қафас майдонига тўғри келадиган электр-энергия сарфи каби кўрсаткичлар тизими

асосида балиқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш тавсия этилган;

балиқчиликда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини пасайтиришни кўзда тутувчи тармоқ учун талаб этиладиган моддий ва меҳнат ресурслар сарфи меъёрлари тавсия қилинган;

балиқчилик хўжаликларини озуқа билан таъминлаш мақсадида банк кредитларининг қисман ва фоиз ставкасини тўлиқ қопланишини кафолатлаш, сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши оқибатида сувнинг минераллашув даражаси ортиши бўйича етказилган зарарни суғурталаш асосида иқтисодий рағбатлантириш таклиф қилинган;

тармоқ ривожига таъсир этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаган ҳолда Сурхондарё ва Наманган вилоятлари мисолида 2019-2023 йилларда балиқ етиштириш ҳажми башорати ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соҳа ривожига таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилган ва уларнинг бирига боғлиқлиги эконометрик баҳоланган;

балиқчилик тармоғи самарадорлигининг ҳозирги ҳолатига баҳо берилган, таркибий ва миқдорий ўзгаришлар ҳамда балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотиш тизимида замонавий маркетинг усулларини жорий этиш асосланган;

тармоқда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун балиқ озуқасига қўйиладиган талаблар ва озуқа таъминоти манбалари асослаб берилган;

балиқчилик хўжаликларига озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳовуз майдони, балиқ ҳосилдорлиги ва сизот сувлари сатҳини ҳисобга олган ҳолда ер ажратиш услубиёти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация доирасида амалга оширилган илмий-тадқиқотлар натижаларининг ишончлилиги қўлланилган методик ёндашув ва усуллар асосланганлиги, маълумотлар базаси расмий манбалардан, монографик кузатувлар натижаларидан олинганлиги, таклиф ва тавсиялар амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот иши натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан фойдаланиш балиқчиликни ривожлантиришнинг назарий асосларини бойитишга хизмат қилади. Улардан, шунингдек, мамлакат балиқчилик хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар асосида берилган таклиф ҳамда тавсиялардан фойдаланиш балиқчиликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўналишида давлат дастурлари ишлаб чиқишда асос сифатида хизмат қилиши, тадқиқот натижаларидан, шунингдек, касб-ҳунар коллежларида ва олий таълим муассасаларида “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Фермер хўжалиги иқтисодиёти”, “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти” фанлари бўйича ўқув дастурларини тузишда ва таълим жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хусусий тадбиркорлик субъектларида балиқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 02/23-1305-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга оширилиши интенсив балиқчиликда балиқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш имконини берган;

балиқчилик тармоғида моддий ва меҳнат ресурслари сарфларининг илмий асосланган меъёрлари бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 02/23-1305-сон, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 31 майдаги 01/568 (а)-сон маълумотномалари). Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши 1 кг балиқ етиштириш учун талаб этиладиган озуқа сарфининг 10 фоизга, минерал ўғит сарфининг 13 фоизга, меҳнат сарфининг 7 фоизга, энергия сарфининг 24 фоизга камайиши ва рентабелликнинг эса 11,6 фоизга ошиш имконини яратган;

балиқчилик хўжаликларини озуқа билан таъминлашнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 02/23-1305-сон, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 31 майдаги 01/568 (а)-сон маълумотномалари). Ушбу таклифлар асосида балиқчилик хўжаликларини озуқа билан таъминлашни кредит ва молиялаш, суғурталаш, кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва ўқитиш тизими, селекция ва генетик фондни ривожлантириш орқали рағбатлантиришни асослаган;

балиқчилик тармоғини ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг таъсир даражаларини аниқлаган ҳолда Сурхондарё ва Наманган вилоятларида балиқ етиштириш ҳажмини оширишга қаратилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 02/23-1305-сон маълумотномаси). Прогноз натижаларига кўра, Сурхондарё вилоятида балиқ етиштириш ҳажми 2023 йилда 2018 йилга нисбатан 1,9 баробарга, Наманган вилоятида эса 1,8 баробарга ортиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари иккита халқаро, учта республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш эълон қилинган. Уларнинг 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда, 2 таси хорижий журналларда босилган, илмий мақолалар 3 таси республика ва 2 таси халқаро конференциялардаги маърузалар тезислари тўпламларида чоп этилган ишлардир.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ўз ичига 32 та жадвал, 27 та расмни олган. Умумий ҳажми 136 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида балиқчилик тармоғини ривожлантиришнинг объектив зарурияти асосланган, ўзига хос хусусиятлари бир тизимга келтирилган, балиқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, тармоқ ривожига таъсир этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган ҳамда тармоқ ривожига бўйича хорижий тажрибаларнинг аҳамиятли жиҳатлари ёритилган.


Озиқ-овқат хавфсизлиги шароитида балиқчиликни ривожлантириш объектив зарурият ҳисобланади ва тармоқни ривожлантириш билан боғлиқ иқтисодий ислохотлар аҳолининг балиқ ва балиқ маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Балиқчилик тармоғини ривожлантиришнинг объектив зарурияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини янада ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- балиқ ва балиқ маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошириш;
- балиқ маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш тизими моддий-техника таъминотини яхшилаш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш;
- табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан самарали фойдаланиш;
- балиқ етиштиришнинг илмий асосланган ресурстежамкор усуллари ва интенсив технологияларини кенг татбиқ этиш;
- товар балиқ етиштиришни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, балиқчилик тармоғини ҳудудий оптимал жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- балиқ етиштиришнинг қиймат занжиридаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни тизимли ташкил этиш;
- балиқ чавоқларини такрор кўпайтириш ва балиқчилик хўжаликларини озуқа билан таъминлаш тизимини рағбатлантириш;
- балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- хорижий тажрибаларни таҳлил қилиб, аҳамиятли жиҳатларини жорий этиш имкониятлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Балиқчилик тармоғи ўзига хос қатор хусусиятларга эга бўлиб, уларни ҳисобга олган ҳолда тармоқни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш мақсадга мувофиқ (1-расм).




1-расм. Балиқчилик тармоғининг ўзига хос хусусиятлари⁷

Балиқчилик тармоғининг хусусиятлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг умумий хусусиятлари билан ўхшаш. Иқтисодий самарадорликни ошириш ҳисобига ушбу хусусиятларни тартибга келтириш, аниқроғи, соҳа ишлаб чиқаришининг мавсумийлик циклидан йил бўйи циклига ўтказилиши, даромаднинг қўшимча манбаларини топиш ва ишлаб чиқариш жараёнига киритиш имконини беради.

Ушбу хусусиятларни, балиқ етиштириш самарадорлигини баҳолаш, жумладан, иқтисодий самарадорликни аниқловчи кўрсаткичлар ва уларнинг ҳисоб усулларини такомиллаштиришда эътиборга олиш талаб этилади.

⁷ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

Балиқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини қиймат, миқдор ва нисбий кўрсаткичларга ажратган ҳолда баҳолаш тизими ишлаб чиқилган (2-расм).



Изоҳ: * муаллиф томонидан тавсия қилинган кўрсаткичлар.

2-расм. Балиқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар⁸

Ушбу 1 м³ қафас майдонида тўғри келадиган электр-энергия сарфи, қафас усулида 1 кг балиқ етиштириш учун талаб этиладиган асбоб-ускуналар қиймати, 1 м³ қафас майдонида етиштирилган балиқ миқдори (маҳсулдорлик кўрсаткичи), 1 м³ қафас майдонида тўғри келадиган меҳнат сарфи, 1 м³ қафас майдонида балиқ етиштиришнинг харажатлар рентабеллиги каби кўрсаткичлар

⁸ Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

балиқчилик хўжаликларида балиқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш имконини беради.

Балиқчилик тармоғининг ривожланишига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Улар қуйидаги 4 та гуруҳга: ташкилий-ҳуқуқий омиллар; иқтисодий омиллар; табиий-географик омиллар; ижтимоий-демографик омилларга ажратган ҳолда тадқиқ этилган ва омилларнинг балиқчилик тармоғи ривожланишига таъсири ўрганилиб, бир-бирига боғлиқлиги эконометрик жиҳатдан баҳоланган. Тузилган эконометрик моделга кўра, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида балиқ етиштириш ҳажми кўп омилли эконометрик моделга киритилган омилларга кучли боғлиқлиги аниқланган.

Шунингдек, балиқчиликни ривожлантириш бўйича таҳлил этилган хорижий тажрибаларнинг қуйидаги аҳамиятли жиҳатларини республикада жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- балиқчилик тармоғининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларининг маълум бир қисмини қоплаш учун субсидиялар жорий этилиши фойда бериши мумкинлиги (Россия тажрибаси);

- балиқ касалликларини даволаш ва олдини олиш мақсадида хорижий мутахассисларни кенгрок жалб этиб, ўқув семинар-тренинглار ташкил этиш (Россия, Германия, Хорватия тажрибаси);

- интенсив технологиялар (қафас, ёпиқ сув айланиш тизими)ни жорий этиш орқали балиқ етиштиришни кўпайтириш (Вьетнам, Хитой, Туркия, Россия тажрибаси);

- тўйимлилиги юқори бўлган гранула озуқаларини етиштиришни иқтисодий рағбатлантириш (Туркия, Германия, Россия тажрибаси);

- тармоқда консалтинг хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш (Германия, Хорватия тажрибаси).

Диссертациянинг иккинчи боби **“Балиқчилик тармоғи самарадорлигининг ҳозирги ҳолати ва ўзгариш тенденциялари”** деб номланиб, унда республика балиқчилик тармоғида амалга оширилаётган ислохотлар ва ўзгариш тенденциялари, балиқ етиштиришнинг ҳолати, самарадорлиги ва ундаги муаммолар таҳлил этилган ҳамда балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотиш тизимида маркетинг усулларини жорий этиш ва қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар баён қилинган.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ҳамда балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш юзасидан мамлакатимизда комплекс тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Балиқчиликни ривожлантириш, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ҳамда интенсив усулларда (қафасларда, ёпиқ сув айланиш тизимида, кичик интенсив ҳавзаларда) балиқларни кўпайтириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга комплекс ёндашувни аграр соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий вазифаларидан, деб ҳисоблаш мумкин.

Шунингдек, тармоқдаги таркибий ва миқдорий ўзгаришлар тенденциясига кўра, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келгандан кейин бозор муносабатлари шаклланиши натижасида балиқ етиштириш ҳажми ҳамда

аҳолининг балиқ истеъмоли кўрсаткичлари йиллар давомида ўсишига эришилган. Бу, албатта, кўпайиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат таъминотини янада яхшилашга ёрдам беради. Таҳлилларга кўра, 2018 йилда жами балиқ етиштириш ҳажмига нисбатан юқори кўрсаткич Навоий вилояти (12%), Андижон (11,2%), Тошкент (10,9%) вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси (10,8%), Хоразм (10,4%) ва Жиззах (7,9%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмокда (1-жадвал).

1-жадвал.
Республика ҳудудлари бўйича балиқ етиштириш кўрсаткичлари⁹
(тонна)

Ҳудудлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2018 йилда 2014 йилга нисбатан, %
Қорақалпоғистон Республикаси	2658	3 410	4 515	6 157	9856,7	+3,71 м.
Андижон вилояти	2176	2 535	2 088	4 081	10224	+4,7 м.
Бухоро вилояти	1570,7	1 951	2 813	3 400	3737,9	+2,38 м.
Жиззах вилояти	9035,5	10 850	11 198	13 838	7151,5	79,2
Қашқадарё вилояти	2608	3 151	3 952	4 770	4796,1	183,9
Навоий вилояти	3771,1	5 610	7 670	12 566	10882,4	+2,89 м.
Наманган вилояти	2146	2 733	3 384	5 218	5360	+2,5 м.
Самарқанд вилояти	1384	1 839	2 540	3 435	4006,1	+2,89 м.
Сурхондарё вилояти	1521,8	1 911	2 580	3 876	3815,9	+2,51 м.
Сирдарё вилояти	1545	1 822	2 279	2 222	5375,9	+3,48 м.
Тошкент вилояти	8000,4	11 557	8 171	8 155	9867,2	123,3
Фарғона вилояти	3485,1	4 025	5 214	6 782	6430,3	184,5
Хоразм вилояти	6490	8 457	8 919	9 401	9480,3	146,1
Жами	46391,6	59 852	65 322	83 900	90984,3	+1,96 м.

Шунингдек, Бухоро (4,1%), Сурхондарё (4,2%), Самарқанд (4,4%) ва Қашқадарё (5,3%) вилоятлари балиқ етиштириш ҳажмига нисбатан паст натижаларга эришган. Мамлакатда балиқ етиштириш кўрсаткичлари 2018 йилда 2014 йилга нисбатан 1,96 маротабага ва 2017 йилга нисбатан эса 108,4 фоизга ортган. 2014-2018 йиллар мобайнида Андижон вилоятида (4,7 марта), Қорақалпоғистон Республикасида (3,71 марта), Сирдарё (3,48 марта), Навоий (2,89 марта), Самарқанд (2,89 марта), Сурхондарё (2,51 марта), Наманган (2,5 марта) ва Бухоро (2,38 марта) вилоятларида балиқ етиштириш бўйича кескин ўсишга эришилган.

2018 йилда балиқчилик фермер хўжаликлари томонидан 35665,8 тонна ёки мамлакатда етиштирилган балиқнинг 39,2 фоизи етиштирилган. Республикада

⁹ “Ўзбекбаликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

етиштирилган балиқнинг 9578,7 тоннаси деҳқон хўжаликлари, 45739,8 тоннаси масъулияти чекланган жамият (МЧЖ)лар ҳиссасига тўғри келган.

Аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотлари таҳлили кўрсатишича, мамлакатда балиқ ва балиқ маҳсулотлари (консерва, икра ва бошқа иккиламчи маҳсулотлар) 2018 йилда аҳоли жон бошига ўртача 4,8 килограммдан тўғри келган. Бу 2014 йилга нисбатан 1,3 баробар ёки 1,2 килограммга ортиқ, 2016 йилдагидан эса 20 фоизга кам. Балиқ истеъмолининг меъёри йилига жон бошига 13,37 килограмм қилиб белгиланган. Бугунги кунда аҳоли томонидан меъёрдан 8,6 килограмм кам балиқ маҳсулотлари истеъмол қилинмоқда (2-жадвал).

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг ўртача аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол кўрсаткичлари¹⁰

(кг)

Озиқ-овқат маҳсулотлари	Тиббий меъёрлар кг/йил ¹¹	Йиллар					2018 й. 2014 йилларга нисбатан, %
		2014	2015	2016	2017	2018	
Картошка	54,68	56,4	56,4	56,4	55,2	56,4	100,0
Сабзавот ва полиз маҳсулотлари	134,18	277,2	276,0	277,2	277,2	278,4	100,4
Мева ва резаворлар	90,67	145,2	145,2	148,8	145,2	150,0	103,3
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	45,59	43,2	44,4	44,4	43,2	43,2	100,0
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	13,37	3,6	4,8	6	4,8	4,8	133,3
Сут ва сут маҳсулотлари	156,36	279,6	278,4	279,6	270,0	272,4	97,4
Ўсимлик ёғи	32,91	22,8	24,0	24,0	24,0	24,0	105,3
Тухум, дона	295,85	211,2	211,2	214,0	215,0	217,2	102,8
Шакар, қандолат маҳсулотларини қўшган ҳолда	19,39	30,0	32,4	32,4	31,2	32,4	108,0

Тадқиқотларда Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги “Мухаммад Амин Тожихон”, Сурхондарё вилояти Узун туманидаги “Азизбобо” ва Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги “Антиқа” балиқчилик фермер хўжаликларининг 1 га кўл майдонида балиқ етиштириш харажатлари таҳлил қилинди (3-жадвал).

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган. *уйдан ташқари овқатланишлар ҳисобга олинмаган.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2003 йил 12 ноябрда тасдиқланган озиқ-овқат истеъмоли тиббий меъёрлари/agromart.uz/uz/useful/material/59bf9e0c8f18412a64fd.

**2018 йилда республика ҳудудларидаги балиқчилик хўжаликларида
1 га ҳавза майдонига сарфланган харажатлар таҳлили, (млн.сўм)¹²**

№	Харажатлар	Сурхондарё вилояти, Узун тумани	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани	Қорақал- поғистон Республикаси, Тўрткўл тумани
		“Азизбобо” фермер хўжалиги	“Мухаммад Амин Тожиҳон” фермер хўжалиги	“Антиқа” балиқчилик фермер хўжалиги
1.	Балиқ озукаси (ем)	3,86	3,26	3,81
2.	Ўғитга сарфлар	1,48	1,53	1,56
3.	Насос ва э/э сарфлари	0,65	0,70	0,58
4.	Чавоқ сотиб олиш учун харажатлар	2,05	1,78	1,94
5.	Давр харажатлари	0,32	0,24	0,25
6.	Иш ҳақи	1,93	1,37	1,78
7.	Бошқа харажатлар	1,81	1,42	1,88
	Жами харажатлар	12,1	10,3	11,8
	Балиқ маҳсулдорлиги (ҳосилдорлиги), т/га	1,9	1,6	1,8
	Ялпи маҳсулот қиймати, млн.сўм (1 кг балиқ нархи ўртача 8 минг сўм деб олинса)	15,2	12,8	14,4
	Рентабеллик, %	25,6	24,3	22,0

Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги “Мухаммад Амин Тожиҳон” балиқчилик фермер хўжалигида балиқ озукасига кетган харажатлар 3,26 млн. сўмни ташкил этган. 1 кг балиқ етиштириш учун озукка 2037,5 сўм, ўғитга 956,3 сўм, иш ҳақи 856,3 сўм ва энергияга 437,5 сўм сарфланган. Балиқ етиштириш рентабеллиги 24,3 фоизни ташкил этган.

Сурхондарё вилояти “Азизбобо” балиқчилик фермер хўжалигида 1 га кўл-да балиқ етиштириш учун ўртача 12,1 млн. сўм харажат қилинган. Унинг 31,9 фоизи озукка, 16,9 фоизи чавоқ сотиб олиш, 15,9 фоизи доимий ва мавсумий ишчиларнинг иш ҳақи харажатларидир. Хўжаликда 25,6% рентабелликка эришилган. Шунингдек, 1 кг балиқ етиштиришга 2031,6 сўмлик озукка, 778,9 сўмлик ўғит, 1015,8 сўмлик иш ҳақи (бу “Мухаммад Амин Тожиҳон” фермер хўжалигидаги меҳнат сарфидан 1,2 баробар кўп) ва 342,1 сўмлик энергия ишлатилган.

¹² Монографик тадқиқотлар асосида ҳисобланган.

Қорақалпоғистон Республикасининг “Антиқа” фермер хўжалигида ҳам 1 га ҳовуз майдонида балиқ етиштириш учун кетган харажат ўртача 11,8 млн. сўмни ташкил этган ва рентабеллик даражаси 22% бўлган. Жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибида озуқа сарфи 32,3%, чавоқ сотиб олиш учун харажатлар 16,4%, ўғит сарфи 13,2%, меҳнат сарфи 15,1% ва кўзда тутилмаган бошқа харажатлар 15,9% улушга эга бўлган. Мазкур хўжаликда 1 кг балиқ етиштириш учун озуқа сарфи 2116,7 сўмни, ўғит сарфи 866,7 сўмни, меҳнат сарфи 988,9 сўмни ва энергия сарфи 322,2 сўмни ташкил этган.

Тадқиқотларда балиқчилик хўжаликлари фаолиятини таҳлил қилиш, техник-иқтисодий кўрсаткичларини таққослашдан олдин соҳадаги асосий муаммоларни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё ва Наманган вилоятларида ўтказилган тадқиқотлар давомидаги сўровларда балиқчи респондентларнинг мутаносиб равишда 96, 98 ва 90 фоизи сув, 80, 90 ва 78 фоизи техника хизмати кўрсатиш муаммосини, 94, 96 ва 92 фоизи озуқа таъминоти масаласини, 84, 92 ва 94 фоизи соҳада малакали мутахассис кадрлар етишмаслигини, 56, 64 ва 86 фоизи ветеринария хизмати талаб даражасида эмаслигини, 88, 68 ва 92 фоизи дори-дармонлар тақчиллигини, 86, 94 ва 90 фоизи минерал ўғит етказиб бериш талабга жавоб бермаслиги каби тармоқ ривожига таъсир қилаётган энг асосий муаммоларни алоҳида таъкидлашган.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун тармоқда ташкилий-иқтисодий механизмларни такомиллаштириш ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада яхшилаш талаб этилади.

Кейинги йилларда ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини ривожлантириш, моддий-техник базасини такомиллаштириш, сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, бозор инфратузилмасини техник-технологик жиҳатдан модернизациялаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, республика-мизнинг турли ҳудудларида фермерлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, балиқ маҳсулотларини сотиш учун қулай шароитлар яратилди.

Таҳлиллар кўрсатишича, Наманган деҳқон бозорларида вилоятда жами етиштирилган балиқнинг 36,7 фоизи, супермаркетлар ёки дўконларда 14,2 фоизи, турли ярмаркаларда 24,5 фоизи, кўчма савдо дўконларида 9,5 фоизи ҳамда хўжалик даласида 15,1 фоизи сотилган.

Хулоса қилиб айтганда, етиштирилган балиқларнинг истеъмолчиларга етказиб бериш бўғинида деҳқон бозорлари ва ярмаркалар салмоқли ўринни эгалламоқда.

Юқоридаги муаммолар ечимини топиш учун, бизнингча, балиқчилик фермер хўжаликларида балиқ сотиш ҳисобига юқори фойда олишни таъминлайдиган қуйидаги маркетинг усуллари ривожлантириш мақсадга мувофиқ:

- балиқ маҳсулотларининг интернет савдоси тизимидан фойдаланиш;
- логистик марказлар хизматидан фойдаланган ҳолда сотишни ташкил этиш;

- балиқ маҳсулотлари “экобозорлари”ни ташкил этиш;
- балиқ маҳсулотларининг улгуржи сотувини ташкил этиш;
- балиқчилик хўжаликларида, кўргазма ва ярмаркаларда сотиш.

Бугунги кунда балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотиш билан бирга қайта ишлаш ҳам муҳим жараён ҳисобланади. 2018 йилда республикада балиқ, қисқичбақасимонлар, молюскаларни қайта ишлаш ва консервация қиймати 117,17 млрд. сўмга етган ёки 2017 йилдагига нисбатан 103,9 фоизга кўпайган. 2017 йилдагига нисбатан 2018 йилда қайта ишлаш ва консервация қиймати Қашқадарё вилоятида 4,4 баробарга, Фарғона вилоятида 1,73 баробарга, Сурхондарё вилоятида 1,52 маротабага, Қорақалпоғистон Республикасида 1,5 мартага, Самарқанд вилоятида 1,25 баробарга ва Тошкент шаҳрида 122,4 фоизга ортиган. Мазкур кўрсаткич 2018 йилда 2017 йилдагига нисбатан Жиззах вилоятида 68 фоизга, Бухоро вилоятида 47,3 фоизга, Навоий вилоятида 26,9 фоизга ва Тошкент вилоятида 24,2 фоизга пасайган. Андижон ва Наманган вилоятларида эса 2018 йилда балиқ ва балиқ маҳсулотлари умуман қайта ишланмаган.

Диссертациянинг **“Балиқчилик тармоғини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида ресурсларни тежаш, балиқ етиштириш учун талаб этиладиган моддий-техник ва меҳнат ресурслари сарфини камайтиришни кўзда тутувчи меъёрлар асосида тавсиялар ишлаб чиқилган, балиқчиликда озуқа билан таъминлаш тизимини давлат томонидан рағбатлантириш йўллари таклиф этилган ҳамда вақт бўйича тренд моделлари ёрдамида Сурхондарё ва Наманган вилоятлари мисолида балиқ етиштириш ҳажми башорат кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда балиқчилик хўжаликларида моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш ва сарф-харажатларни таҳлил қилишда технологик харитадан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Наманган ва Сурхондарё вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида балиқчилик хўжаликлари раҳбарларининг мос равишда 36, 40 ва 46 фоизи илмий асосланган моддий ва меҳнат ресурслари сарфи меъёрларига асосланган ҳолда балиқ етиштириш харажатларини камайтиришга эришиш мумкинлигини таъкидлашди.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги “Ҳатамобод” балиқчилик фермер хўжалигида 1 га сув ҳавзасида анъанавий усулда балиқ етиштириш рентабеллиги 25,6 фоизини ташкил этган бўлса, технологик харита асосида балиқ етиштириш рентабеллиги 37,2 фоизга ёки анъанавий усулдагига қараганда 11,6 фоизга ортиган, даромад эса 31,6 фоизга кўпайган (4-жадвал).

Шунингдек, бир бирлик маҳсулот етиштириш учун меҳнат сарфи 7 фоизга, озуқа сарфи ўртача 10 фоизга, минерал ўғит сарфи 13 фоизга ва энергия сарфи 24 фоизга қисқаришига эришилган.

Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги “Хатамобод” балиқчилик фермер хўжалигида 1 га сув хавзасида балиқ етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (оқ дўнгпешона балиғи бўйича)¹³

№	Харажатлар	Ўлчов бирлиги	Анъанавий усулда	Технологик харита асосида	Фарқи (+,-)
1.	Иш ҳақи харажатлари	минг сўм	6580	8100	1520
2.	Чавоқ харажати (сотиб олиш)	кг	250	250	0
	<i>Қиймати</i>	<i>минг сўм</i>	<i>3500</i>	<i>3500</i>	<i>0</i>
3.	Озуқа харажати	минг сўм	4010	4770	760
	<i>Шундан:</i>				
	минерал ўғит	кг	700	800	100
	<i>Қиймати</i>	<i>минг сўм</i>	<i>770</i>	<i>880</i>	<i>110</i>
	маҳаллий ўғит	кг	3000	3000	0
	<i>Қиймати</i>	<i>минг сўм</i>	<i>240</i>	<i>240</i>	<i>0</i>
	оҳак	кг	1200	1500	300
	<i>Қиймати</i>	<i>минг сўм</i>	<i>360</i>	<i>450</i>	<i>90</i>
	ем ва витаминлар	кг	3300	4000	700
	<i>Қиймати</i>	<i>минг сўм</i>	<i>2640</i>	<i>3200</i>	<i>560</i>
4.	Электр энергия сарфи	минг сўм	60	60	0
	Ш.ж., насос харажати	минг сўм	40	40	0
5.	Амортизация	минг сўм	146	146	0
6.	Транспорт харажатлари	минг сўм	96	96	0
7.	Ветеринария хизмати	минг сўм	150	150	0
8.	Умумишлаб чиқариш харажати	минг сўм	324	405	81
9.	Кўзда тутилмаган харажатлар	минг сўм	146	175	28,71
10.	Жами харажатлар	минг сўм	11252	14152	2900
11.	Давр харажатлари	минг сўм	113	142	58
12.	Маркетинг ва модернизация	минг сўм	225	283	58
13.	Умумий харажатлар	минг сўм	12100	14576	2476
14.	Балиқ маҳсулдорлиги	т/га	1,9	2,5	0,6
15.	Ялпи маҳсулот қиймати (1 кг 8000 сўмдан олинса)	минг сўм	15200	20000	4800
16.	Фойда	минг сўм	3100	5424	2324
17.	Рентабеллик	%	25,6	37,2	11,6

